



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊

TOSHKEENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 12 март, шанба • №20 (11.719) • Эркин нархда сотилади

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 март куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнеллини қабул қилди.

Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил март ойида АҚШга расмий ташрифи чогида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериллик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация қабул қилинган эди. Бу хужжат ўзаро ҳамкорликни яна-да ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Ўзбекистон АҚШ билан муносабатларга алоҳи-да эътибор қаратади. АҚШ эса Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида қарайди. Мамлакатларимиз халқаро террорилик ва диний экстремизмга, наркотик моддалар ва қурол-яроғнинг ноконуний савдосига қарши курашда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

АҚШ Ўзбекистоннинг йирик савдо шериллиридан хисобланади. Ўзаро товар айрбошлиш ҳажми йилдан йилга ўсиг бормоқда. Жумладан, бу кўрсаткич 2003 йилда 335,2 миллион долларлар ташкил этган бўлса, 2004 йилда 543 миллион долларга етди. Қўшма корхоналар сони беш юзга яқин.

Оқсаройдаги учрашувда икки томонлама муносабатлар стратегик шериллик тамоилларига мувофиқ ривожланиб бораётганидан мамнуният изхор этилди.

Ж.Пурнелл ушбу учрашув ўзаро ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилиш учун яхши имконият эканини таъкидлари ва самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдириди.

Суҳбат давомида икки томонлама алоқалар, минтақавий хавфсизлик ва Афғонистондаги вазиятга доир масалалар юзасидан фикр алмашиди.

ЎЗА.



**СУРАТДА:** бош ҳосилот Эрмуҳаммад Ақчабоев (ўнгда) ижаракилар Каримжон Раҳмонбердиев ва Дилшод Мирзабоевга янги боф барпо этишда маслаҳат бермоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

## Яхши ниятга яраша ҳаракат

Бир пайтлар Янгийўл туманидаги мевачилик ва узумчиликка ихти-сослашган «Халқобод» хўжалиги нафақат Тошкент вилояти, балки бутун республикага довруғ таратган эди.

Ўз таркибида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналари мавжуд бўлиб, хўжалик аъзолари етиширадиган мева ва узумлардан консерва, шарбат, вино ва конъяк ишлаб чиқариларди. Хўжаликнинг иқтисодий салоҳияти ҳам, унинг аъзолари бўлган боғбону соҳибкорларнинг турмуш даражаси ҳам шунга яраша эди.

Бироқ, «Халқобод»га узок йиллар раҳбарлик қилган, катта тажриба ва ташкилотчилик салоҳиятига эга бўлган Усмон Юсупов ва Жўра Хоназоровдан сўнг хўжалик ҳар томонлама инқизозга юз тутди. Бог ва токзорлар парвариши издан чиқди, аввалги кўркини йўқотди, даромаддан барака учди.

Эндилиқда Усмон Юсупов номи билан аталаётган хўжаликда жами 937 гектар боф ва экин майдони бор. Шу жумладан, ҳосил бераётган (олма, олхури) боф 435 гектар, токзор 55 гектар, ёш боф 123 гектар. Ўтган йили 441 тонна мева, 105 тонна узум етиширилди, холос. Бошқача қилиб айтганда, борйғи 142 миллион сўмлик маҳсулот сотилди. Фойда ҳақида гапиришнинг эса ўрни йўқ.

(Давоми 2-бетда).

## Тайёргарлик • Баҳорги чақирув қизғин бормоқда

Шу кунларда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Мухбири-миз вилоядаги муддатли ҳарбий хизматга чақириши ишлари қайтарзда йўлга қўйилгани билан танишиш мақсадида Тошкент вилояти Мудофаа ишлари бошқармасининг чақирув бўлими бошлиғи Бахтиёр Иброҳимовга мурожаат этди.

— Республика Президентининг ушбу қарорига биноан 1978-1987 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини кечикириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини шу йилнинг арель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақириш юзасидан қатор чора-тадбирларни режалаштирганимиз, — дейди Бахтиёр Иброҳимов. — Чакирив комиссияси ишини самарали ташкил этиш мақсадида Тошкент вилояти хокимлиги ҳам моддий, ҳам амалий жиҳатдан ёрдам бермоқда. Авваллари чақирилувчи йигитларимизни УЗД, ЭКГ текширув аппаратларида кўриканда имконияти йўқ эди. Ҳозир

бу муаммо ижобий ҳал этилиб, янги тиббиёт мосламаларини келтириб ўрнатдик. Тибий кўрикни ўтказишига малакали шифокорлар жалб этилган.

— Вилоят чақирив пунктида чақирилувчилар учун қандай шарт-шароитлар яратилган?

— Бу борада муайян тажрибalarга эга бўлиб, маданий маънавий ва майший хизмат кўрсатишни йўлга қўйганимиз. Ҳуссан, сартарошхона, ошхона, шунингдек, идора буюмлари ҳамда газета ва журнallар савдоси шахобчasi ишлаб туриди. Булардан ташқари йигитларни ҳарбий хизматга доир қарорлар, йўриқномалар билан танишириб борамиз.

— Кейинги йилларда бўлгарда ҳарбий хизматга бўлган интилиш ортиб бормоқда...

— Дарҳақиқат, бугунги ёшлар Ватан олдиаги шарафли бурчларини тўла англаб етмоқдалар. Сабаби, Куролли Кучларда олиб борилаётган исчилотлар ижобий самара бермоқда. Бунга жойларда олиб борилаётган ватанпарварлик, маънавий баркамоллик руҳидаги тарбиявий-амалий ишлар, савол-жавоблар, ҳарбий қисмлардаги сұхбат-учрашувлар, турли ҳарбий-спорт мусобақалари ва «Оммавий ватанпарварлик ойлиги» тадбирлари ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ёшларни ҳарбий хизматга танлашда уларнинг ҳар томонлама чиниқанлиги, руҳан ва жисмонан соғломлиги, билими, маънавий етуклигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир йигит билан сұхбат олиб борилиб, уларнинг ижтимоий-сиёсий тайёргарлигини, касби, интеллектуал қизиқиши ҳамда интилишлари ўрганилиб, лойиқ топилган ўғлонлар Ватан хизматига чақирилади.

Ҳасанбой САҶДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

## Муаммолар ечимиини топаяпти

Тошкент вилоятидаги мавжуд мактабларнинг 85 фоизи қишлоқларда жойлашган. Уларнинг етмиш фоизида дарслар иккиси, ҳатто уч сменада олиб борилар эди. Сабаби, бу мактабларнинг тенг ярми мослаштирилган биноларга жойлаштирилган. Мамлакат бўйича энг начор деб топилган 88 мактабнинг 62 таси Тошкент вилоятига тегиши экани ҳақиқий аҳволни яна-да ойдинлаширади.

Вилоят мактабларидаги муаммоларнинг ҳал этилишида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 2004-2009 йилларда Мактаб таълимими ри-вожлантириш давлат умуммиллий дастури мухим омил бўлмоқда. Мазкур хужжат тайёрланиши арафасида вилоятдаги барча таълим мусассаларининг моддий-техника базаси ўрганиб чиқилиб, мактаб паспорtlари тайёрланди. 888 мактабнинг 775 таси турли даражада таъмирталаблиги учун давлат умуммиллий дастурига киритилди.

Вилоят ҳалқ таълими бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, ўтган йили 63 мактаб капитал таъмирдан чиқарилди. Иккита янги мактаб курилди. Бу йил тўқсонта мактаб таъмирланади.

Мактаб таълимими ри-вожлантиришнинг асосий омили саналган кадрлар масаласи ҳам борки, вилоядаги аҳвол ҳам, афсуски, кўнгилдагидек эмас.

Маълумотларга қараганда, вилоят мактабларида олий маълумотли педагог кадрлар таъминоти етмиш фоизни ташкил этади. Ачинарлиси, мактабда ишлайдиган олий маълумотли педагоглар кўпайиш ўрнига, сўнгги йиллардаги янада камайган.

Ҳалқ таълими бошқармаси ёш кадрларни мактабларга жалб этиш мақсадида олий ўкув юртлари, ҳуссан, вилоядаги педагогика институти билан ҳамкорликни кучайтироқда. Битирувчи талабалар билан меҳнат шартномалари тузиляпти. Уларга зарур шароит яратиб бериш чоралари кўрилаётir.

ЎЗА.

• Вилоят ҳокимлигига



## Таъсиричанликка эришиш зарур

Вилоят ҳокимлигининг катта мажлислар залидаги вилоят Манавият ва маърифат Кенгашининг жорий йилдаги биринчи ийнилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, Кенгаш раиси ўринбосари Адиба Ахмаджонова бошқарди.

Вилоят Манавият ва маърифат Кенгаши аъзолари, шахар ҳамда туманлар «Манавият ва маърифат» марказлари раҳбарлари иштирок этган ушбу анжуман ишchan ва танкидий руҳда ўтди. Вилоят Манавият ва маърифат Кенгаши масъул котиби, «Манавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими раҳбари Суръ Курбонкуловнинг Оқкўри-

он туманида манавий-маърифий ислоҳотларнинг амалга оширилиши борасидаги ишлар ва бу соҳадаги камчиликлар ҳақидаги маърузасидан сўнг мазкур мавзу чуқур таҳлил қилинди. Шунингдек, тадбир қатнашчилари «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурининг жойлардаги ижросини таъминлаш ҳамда унда белгиланган

тадбирларни изчил бажаришда Кенгаш олдида турган вазифалар, «Наврӯз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама килдилар.

Йигилишда Республика Манавият ва маърифат Кенгаши масъул котиби, Республика «Манавият ва маърифат» маркази раҳбари Кудус Аъзам катнашди ва сўзга чиқди.

**СУРАТЛАРДА: ЙИГИЛИШ ПАЙТИДА.**

Еркебой БОТИРОВ  
олган суратлар.

## Маҳаллий маҳсулот рекламаси

Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида реклама бўйича идоралараро кенгашнинг мажлиси ўтказилди.

Унда реклама бўйича идоралараро кенгашнинг 2005 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган истеммол товарларини кенг реклама қилиш тадбирлари»ни бажарилиши ҳамда маҳаллий корхоналар томонидан товарларни реклама қилиш бўйича олиб борилган ишлар муҳокама қилинди. Мажлиса бу борадаги ишлар етарили эмаслиги қайд этилди.

**Хусан СУЛАЙМОНОВ,**  
«Туркистон-пресс».

## Навбат республика босқичига

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти илмий-услубий маркази ҳамда «Олтин мерос» ҳалқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигига Наврӯз байрами арафасида хаваскор ҳалқ театrlари фестивалини ўтказиш режаси ишлаб чиқилди.

Фестивалнинг дастлабки босқичлари туман ҳамда вилоятларда ўтказилди. Республика босқичи эса 15-17 марта кунлари Тошкентдаги Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтди.

Наврӯз байрами арафасида ўтказиладиган мазкур фестивалда Тошкент шаҳри, Коракалпогистон республикаси ва барча вилоятлардан биттадан жамоа иштирок этади.

«Туркистон-пресс».



• Огоҳлик

Бугунги кунда Тошкент туманининг қўшини Қозогистон Республикаси билан чегарадош қисми 67,5 километр масофани ташкил этади. Ана шу ҳудудда тинчлик-осойишталикни сақлаш божхона ва чегара хизмати ҳамда ИИБ ходимларининг, қолаверса, чегара ҳудудларида яшовчи аҳолининг биринчи галдағи вазифасидир.

Вилоят ҳокимининг 2004 йил 10 августдаги «Вилоятнинг Қозогистон Республикаси билан чегарадош худудларини тартибига солиш юзасидан қўшимчча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича туманда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, чегара чизигига тушган хонадонлар эгаларига ер учаскалари ажратилиб, товоғ пуллари тўланаяти.

Тошкент тумани ҳокимлигига, Гулистан қишлоқ фуқаролар йигини ва Тўлабий ширкат ҳўжалигига бўлиб ўтган йигилишларда ҳам айнан юқоридаги масалалар атрофлича муҳокама этилди. Уларда вилоят прокурори, миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси, вилоят ички ишлар, божхона бошқармалари, чегара қўшинлари Тошкент

## Яхши ниятга яраша ҳаракат

Аммо хўжалик аъзоларининг бугунги кундаги ниятлари ўзгача. Баш ҳосилот Эрмуҳаммад Ақчабоевнинг айтишича, мева етиштириши 2600 тоннага, узум етиштириши 330 тоннага етказиш режалаштирилмоқда. Бу рақамлар ўтган йилдагига нисбатан 3-6 баробар салмоқли. Хўш, бундай юксалишга қандай қилиб эришилмоқчи?

Биринчидан, ижарачиларга нисбатан талаб кучайтирилди. Ҳусусан, кейинги йилларда шартнома режаларини бажармай келган аксарият ижарачилардан боғ ва токзорлар кайтариб олиниб, соҳада маълум даражада тажрибага эта бўлганларга берилди. Шу тартика 2005 йил учун 298 ижарачи билан шартнома тузилди. Ҳозир улар боғларга шакл бериш ишларини қатъий агротехника қондалари асосида олиб бормоқдалар. Шу билан бир вақтда барча сугориш шахбочалари тозаланиб, тартибга келтирилмоқда.

Иккинчидан, бу йил боғ ва токзорларга, бошқа экин майдонларига маҳаллий ўғит солишига жиддий киришилди. Ҳозиргача тайёрланган жами мажаллий ўғит гектар хисобига 15 тоннадан тўғри келмоқда.

Учинчидан, мавжуд боғларни таъминалаб, тартибга солиш, кучатларни бутлаш, энг муҳими эса, аниқ режа асоси

(Давоми. Боши 1-бетда).

сида янги боғ ва токзорлар барпо этишга астойдил киришилди. Масалан, вилоят ҳамда туман ҳокимликларининг амалий кўмакларига таяниб, Фарғона вилоятидаги мева-кўчаччилик хўжаликларидан жами 11 миллион сўмлик олма, ўрик, голос, олхўри ва турли нав тўқчатлари олиб келинди. Мақсад — 60 гектарли янги мевали боғ барпо этиш. Ҳозирги кунгача ана шу майдоннинг 80 фоизига кўчат экиб бўлинди.

Ҳўжаликда ҳар йили 200 гектардан кўпроқ майдонда ғалла етиштирилади. Аммо, бу тармоқда эришилаётган натижалар ҳам тилга олишга арзимайди. Ҳусусан, ўтган йили 216 гектар майдондаги буғдойдан 37 центнердан ҳосил олindi. Эътироф этиш керакки, бу вилоятнинг ўртacha кўрсаткичидан ҳам паст. Шу боис бу йил мева ва узумчилик билан бир қаторда ғаллачиликда ҳам кескин буриш ясашга аҳд қилишган. Мўлжал — ҳосилдорликни камиди 45 центнерга кўтариш.

Ҳулоса қилиб айтганда, бу йил хўжалик боғбон ва соҳибкорлари деҳқонлари яхши ният билан ишга киришдилар. Ушбу ниятнинг қай даражада рўёбга чиқиши эса, уларнинг ўюшқоқлик, тадбиркорлик билан астойдил меҳнат килишларига боғлиқдир.

**Абдусамад Йўлдошев,  
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## Юксак мукофот муборак!

Иқтидорли ёшлар ҳақида сўз боргандан, улар ҳамиша миллат ва жамият мажаллий-маданий равнақининг етакчи кучи сифатида эътироф этилади.

Шу боис, истиқлоннинг ilk йилларидан оғоз давлатимиз бундай йигит-қизлар ўз салоҳиятларини тўла намоён этишларни учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Бу жараён айниска, хотин-қизларимиз мавқеини қамалтиришида, қолаверса, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирокларини таъминлашдаги муҳим ҳаракатларда акс этмоқда. Ҳусусан, «Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни кўплаб-кувватлаш тўғрисида»ги Фармон ижроси бугунги кунда ўз ижобий самарасини бермоқда.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» сарайида хотин-қизлар байрами муносабати билан ўтказилган тантаналий йигилишда, аъло ҳулқи, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқиши ва меҳнатдаги алоҳида истеъод ҳамда муваффақиятларини намоён қилаётган иқтидорли кизларимизни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Қувонарли жиҳати шундаки, бу йил ҳам давлатнинг ушбу юксак мукофотига сазовор бўлгунлар қаторида вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган вакиламиз — Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қиброй академик лицейининг 2-гурух хорижий филология йўналиши ўқувчиси София Бермагамбетова ҳам бор.

## Юртнинг ўз чегараси, дарвозаси бор

Бугунги кунда Тошкент туманининг қўшини Қозогистон Республикаси билан чегарадош қисми 67,5 километр масофани ташкил этади. Ана шу ҳудудда тинчлик-осойишталикни сақлаш божхона ва чегара хизмати ҳамда ИИБ ходимларининг, қолаверса, чегара ҳудудларида яшовчи аҳолининг биринчи галдағи вазифасидир.

Чегара қўшинлари оқсоқоллари Кенгаши, туман ҳокимлиги, маҳаллий ҳукуқни муҳофаза этиш идоралари раҳбарлари, чегара ҳудудларида оқсоқоллари ва аҳоли вакиллари иштирок этиши.

Сўзга чиқсан нотиклар чегара қонунчилиги тўғрисида гапириб, хавфсизликни таъминлаш, давлатимиз худудига контрабанда йўли билан товар-моддий бойликларнинг кириб келишининг олдини олиш, товар-моддий бойликларни четга ноқонуний йўллар билан чиқиб кетишига йўл қўймаслик, жойларда содир

бўлаётган қонунбузарликларга хушёр муносабатда бўлиш, огоҳлик хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдириши.

Йигилишлар қизғин мунозаларга, савол-жавобларга бой бўлди. Жумладан, чегара, божхона ва ички ишлар ходимларини орасига сукулиб кириб олган баъзи нопок кимсаларнинг қилмишлари, уларга карши кўрилаётган чоралар, шунингдек, чегара посонларининг ишини жонлантириш, қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиди.

**Ўз мухбириз.**

Кейинги йилларда Бекобод туманида қишлоқ хўжалик экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эътибор бўшашиб кетганлиги оқибатида пахтачилик оқсай бошлади, давлат буюртмаси бўйича шартнома режалари ҳам сурунка-сига бажа-рилмаяти.

## Ариқ-зувурлар

### тозаланмоқда

хамда деярли тўқиз юз километр узунлиқда ички суғориш шохчалари бор. Улар бир неча йилдан бери умуман тозаланманган, бу иш ўлда-жўлда бажарилган.

Бу йил ана шу эътиборсизликка чек қўйиш мақсадида ариқ-зувурларни тозалашга 20 та экскаватор жалб қилинган. Ҳозир улар куну тун ишлатилмоқда.

Ўз мухбириимиз.

## Ширкатлар фаолиятини яхшилаш йўлида

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини яхшилаш, уларни замон талаблари асосида бошқарилишини таъминлаш масалаларига бағишиланган Республика анжумани бўлиб ўти.

Тадбир «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) «Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш» лойиҳаси кўмагида ташкил этилди. Унда тегишли вазирлар мутахассислари, шаҳар ва туман ҳокимларни вакиллари, уй-жой коммунал соҳаси ходимлари иштирок этдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 11 февралда қабул қилинган «Коммунал хизматлар тарифларининг асосисиз равишда ўсиришига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиликнинг масъулиятини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ коммунал хизматлар учун истеъмолчиликнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштиришга оид масала ҳам атрофлича муҳокама этилди.

ЎЗА.

## Йўлсозлар учун қулай

«Ўзавтойўл» давлат ҳиссадорлик компанияси таркибида фаолият кўрсатаётган Янгибод йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси шу кунларда йўлларни кенгайтириш, уларга бетон қоплами ётқизиш ишларини авж олдириди.

Йўлсозларни хом ашё билан узлуксиз таъминлаш максадида бошқарма тасарруфидан бир нечта завод ишлаб турибди. Янги фойдаланишга топширилган корхона эса, илига 10 минг тонна бетон ишлаб чиқариш кувватига эга.

Бу хил курилиш материаларидан Тошкент-Чорвок-Чимён дам олиш зonasига олиб борувчи йўлларни таъмирлашда ҳам фойдаланилди.

Акбар АЛИЕВ.

## • Бардавом удумлар

Наврӯз ҳақида Шарқ ҳалқарида турлича талқинлар мавжуд. Масалан, бъязи манбаларда Наврӯз беш минг йиллик тарихга эга дейилса, айримларида унинг зардуштилик билан алоқадорлиги таъкидланади.

Агар археологик тадқиқотлар жаёни негизига қарайдиган бўлсак, бу маросим дарҳақиқат, ундан ҳам кўп — 7-8 минг йилликларга бориб тақалишига ишонч хосил киласиз.

Қадимда ҳалқ афсона ва ривоятларида айтилишича, ҳар йили гуллар фаслида кўйдан гўзал хур парилар тушиб, таомлар тайёрлашар ва тонгга қадар гап-гаштак, ўйин-кулги қилишар эмиш. Тонг отар маҳали эса, яна самога кўтарилиб, гойиб бўлишаркан. Бу манзарани кўрган ерликлар ҳайратдан: «Си Малак», «Си Малак» дейишибди. Бу сўз туркйга ўтирилганда «Ўттиз малак» ёки «Ўттиз пари» деган сўзни англатган. Одамлар парийлар томондан тайёрланган тансик лаззатли тонгни тамадди қилиб, уни «Си Малак» деб атай бошлашган эмиш.

Бошқа ҳалқларда ҳам шунга ўхшаш ривоятлар бўлиб, гўё сув парилари ҳар йили айни гуллар фасли кечаларининг биррида ой ёғусида қирғоқча чиқиб, турли-туман таомлар тайёрлашар, дилхушлик, ўйин-кулгини авж олдириб, тонгга қадар сайд қилишар эмиш. Сўнг улар ҳам тонг маҳали бегона одамларнинг кўзлалига кўринмаслик учун яна сувга тушиб, кўйдан гойиб бўлар эмишлар. Ерликлар улар тайёрлаган мазали таомдан тамадди қилишиб, бунинг сирини ўрганишган ва янги таомга ўша сув маликаларининг номи билан «Сув Малак» деб ном беришган. Бора-бора бу сўз истеъмолда «Сумалак»ка айлануб кетган.

Булар, албатта, бир ривоят эса-да, аслида уларнинг замонида сумалак ва у билан bogliq, ramziy ezzuglikni taran-nun etuvchi odatlardan Navrӯz bairamini udu-minning tarixi ҳақиқатan ҳам жудa olib mazmiga boriq taqaliishiha ishoradir. Ammo қайси davrlarga boriq taqaliishidan қat'ini nazar, Navrӯzning teran mazmum va moxijatiqa қaraidigani bўlsak, u yuzinining el-ellatlarini bir-birlariiga jaqinlashishi, dўstlik, tinchlik, хотирjamlik, mehr-oqibat, sahovat, olijhanoblik, inok-ittifoqlikcha chorlovchi qadriyati sifatiida asrlar osha qach bilan hukmlik bilan niшonlab kelinaietgan ulug' aymalardan biri ekansligini kўramiz.

Қадimiy bitiklarning biriida shunday ёziladi: Navrӯz aymeni boşlanadigan kün

## Фермерлик: имконият ва самара

«Пахтабанк»нинг Пскент туман бўлими жорий йил бошидан бери фермер хўжаликларига 25 миллион сўмлик кредит ажратди. Улар орасида эллик гектар ер олиб, ўтган йили иш бошлаган «Аҳлиддин Абдуллаев» фермер хўжалиги ҳам бор.

— Мамлакатимиз Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармони соҳанинг келажагига бўлган ишончни янада мустаҳкамлади, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Ҳусниддин Мўминов. — Яратлаётган қулай имкониятлардан самарали фойдаланиб, пахтадан ҳам, галладан ҳам ҳар иили юқори ҳосил оляпмиз.

Техникасиз фермер — қанотсиз күшдек гап. Шу ма-салада мамлакатимиз раҳбари-нинг бизга яратиб берган имтиёзлари кўл келди. «Пахтабанк»нинг туман бўлими ўн уч миллион сўм кредит ажратди. Биз унга трактор сотиб олдик. Энди ишларимиз янада юришиб кетишига шубҳа йўқ. «Пахтабанк»нинг туман бўлими бошқарувчиси Шерзод Дехқонбоевнинг айтишича,

бўлим 220 дан зиёд фермер хўжалигига хизмат кўрсатади. Кредитлар асосан техника, ёнилғи-мойлаш материаллари ҳамда минерал ўғит сотиб олиш учун ажратилмоқда. Бу йил тумандаги паст рентабелли яна икки ширкат хўжалиги тутагилиб, ўрнида 125 фермер хўжалиги ташкил этилди. Янги иш бошлаган фермерларга қулайлик яратиш мақсадида жойларда мини банклар очиляпти. Айни пайтда туманда учта шундай банк фаолият кўрсатмоқда.

Л. СУВОНОВ,  
ЎЗА мухбири.

эрта тонгдан карнай, сурнай ва ногоралар янграб, элни кутлуғ Янги йил — Баҳор байрамини нишонлашга чорлай бошлаган. Шу кунда мамлакат хўкмдори шаҳар ташқарисидаги кўм-кўк ялангликлар, гулу чечаклар барқ урган қуоқ майсазор-

## Битикларда Наврӯз талқини

лар ястаниб ётган кенг сайҳонлиқда байрам ўтказилиши учун маҳсус жой таомланади, уни «Наврӯзгоҳ» деб атаган. Ўша ерларга байрам тусини бериш учун барча зарур шарт-шароитлар давлат хизмати сизобидан шайлаб қўйилишини амр этган. Байрам ўтказиладиган кун хўкмдор ўша ерга ўзининг барча яқин қишилари, оила аъзолари, давлат арконлари, ҳарбий қўшин кўмандонлари ҳамроҳлигида бошдан-оёқ оқ кийинган суворий кўринишида келиб, сайилгоҳда подшоҳ учун тўшалган катта оқ кигиз ўртасига келиб ўтирган. Шунингдек, хўкмдор билан бирга бу мамлакатга ташриф буюрган кўпгина хорижий давлатларнинг элчилари, ваколатланган бообрў мўътабар зотлар ҳам қадам ранжида қилганлар. Дастурхонлар ёзилиб, турли-туман нознеъматлар билан тўлдирилган. Сумалак, ҳалим, кўк сомса каби баҳорий тансик неъматлар кўйилган.

Хўкмдор барча билан ҳол-аҳвол сўрашгач, баҳор байрами билан қизғин муборакбод этган ва ҳаммани ноз-неъматлардан тановул қилишга таклиф этган. Айнан ўша кунлар хўкмдор ўзини oddiy bir fuқaroden tutgan. Ular bilan ёнмаён ўтириб, eб-ичиб, хонанда, созандalar iжросидаги куй-қўшиклар, ўйин-кулгу, томошалар давомида яқин бирорад-

Рузбекон шундай ёзади:

«... Мен айни фасли баҳор айёмида, Наврӯз тантаналари бошланган кунларда Мовароуннаҳр ўлқасининг қайси ерига бормай, кишини оҳанграбодек тортадиган беҳишти нишонлик манзилга айланиб, гулу чечакларга тўла ажойиб-гаройиб «Боғу Эрам» сайилгоҳини эслатишини кўрдим. Қарангки, тантани табиат ҳавас ила бор саҳоватини саҳийлик билан тўқкан ва бу ўлканинг бир четидан иккинчи четигача киши кўнглини тоғдай кўтариб, ажаб ҳидларга тўлдириувчи турли-туман ўтлоқлари сўзсиз гўззалик оламини кашф этувчи ернинг беназир сепи, безагига, фаровонлик манбаига айланади. Чашма ва обизамзам булоқ сувлари, латиф руҳфазо ҳавосини айтмайсизми. Буларнинг ҳаммаси киши дил кулфини очиб, қалбларга мангу ҳаёт завқини бағишилади».

Ана шу битиклардан кўринадики, ҳосилдорлик, тўкин-сочинлик, мўл-кўлчилик айнан шу палладан бошланади, у чорва ва паррандалар кўпая бошладиган хуллас, эл-юрга фаровонлик келтирадиган давр ҳисобланади.

Бинобарин, Наврӯз — Янги йил, тинчлик, кут-барака, шод-хуррамлик, эзгулик келтирадиган муқаддас удум бўлиб, у асрлар оша давом этгусидир.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.

Баъзи хонадонларда ҳисоблаги йўқ, борларининг айримлари носоз.

Электр энергия ҳақини узок вақт тўламаганлар тармоқдан вақтнинча узиб қўйилмоқда. Шаҳарнинг 46-даҳасидаги кўпқаватли еттинчи ўйда истиқомат қилаётган 11, 12, 51 ва 64-хонадонлар эгалари шундай жазоландилар. Шуни унту-маслик керакки, электр энергиясидан узлуксиз фойдаланишга яратиб ўтлашмаяти.

Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.

## Қарзини тўламаганлиги учун

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиядан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талбларига мувофиқ Ангрен электр тармоқлари идораси шаҳардаги корхона, ташкилот, муассаса, кичик бизнес субъектлари ҳамда аҳолининг электр энергиясидан бўлган қарзини камайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Бу жараёнда электр идораси раҳбарияти маҳалла қўими-талари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва почта алоқа тармоғи билан ҳамкорликда иш олиб боряпти. Уларнинг вакилларидан тузилган гурухлар жойларда, айниқса, аҳоли

ўртасида бу қарорларнинг мөхиятини тушунтироқмадар. Электр энергияси ҳақини вақтида тўлаш тармоқни ривожлантириш, аҳолига хизмат кўрсатишини яхшилаш омили эканлиги ўтирилмоқда. Лекин шунга қарамай, қарзларнинг камайтиши жуда суст. Чунки, истеъмолчилар электр энергиясидан узлуксиз фойдаланишга яратиб ўтлашмаяти.

## Dushanba

14

## «Ўзбекистон»

Телетомошабинлар диккатига! Профилактика муносабати билан, «Ўзбекистон» телеканали 14 марта куни ўз кўрсатувларини соат 15.00дан бошлиди. 15.00 «Тахлинома». 15.45 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти. 16.05 «Дастурхон атрофида». 16.20 ТВ анонс. 16.25 «Масъул сўз». 16.45 ТВ клип.

«Болалар сайёраси»: 16.55 1. «Фаройибкентга саёҳат». 2. «Олтин тоҷа». 17.55 ТВ анонс. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Эстрада тароналири. 18.25 «Линарес-2005». Шахмат бўйича супертурнир якунлари. 18.45 «Нафосат». Тележурнал. 19.05 «Мулкдор». 19.25 «Ўзлоту кундаги» ва рекламалар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 20.00 Оқшом эртаклари.

## Seshanba

15

## «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Кит хакида ҳакиқат». Ҳужжатли фильм. 9.25 «Бизнес ҳафта». 9.40 «Рангин дунё». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 11.30 «Мулкдор». 11.50 ТВ клип. 12.05 «Шахсий фикр». 12.35 «Олам». 12.55 «Мусиқа ва театр». 13.15 «Бегона». Телесериал. 14.10 «Муносабат». 14.40 ТВ анонс. 14.45 Кундузги сеанс: «Қайнона». Бадий фильм. «Болалар сайёраси»:

16.00 1. «Мактаб ҳангомалари». 2. «Кувноқ стартлар». 17.00 «Ватанимга хизмат қиласман». 18.10 «Остонаси тиллодан». 18.30 «Тағсилот». 18.50 Бир жуфт кўшик. 19.00 «Ҳаёт ва қонун». 19.20 ТВ анонс. 19.25 «Ўзлото» кундаги ва рекламалар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Истеъмолчи». 21.25 «Санъатга баҳшида умр». М. Азимов. 21.50 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Бегона». Телесериал.

## Chorshanba

16

## «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ анонс. 8.40 «Йўлбарс ҳакида ҳакиқат». Ҳужжатли фильм. 9.30 «Остонаси тиллодан». 9.50 «Табит шифохонаси». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Орзулар камалаги». Бадий фильм. 11.10 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли». 11.40 «Тағсилот». 12.05 «Ҳаёт ва қонун». 12.25, 13.55 ТВ анонс. 12.30 «Ўзбекистон бастакорлари». 12.50 «Юртимизнинг гўзал масканлари: Марғилон». 13.10 «Бегона». Телесериал.

14.10 «Истеъмолчи». 14.30 «Яхшилик». 14.55 «Ягона оиласда». 15.25 Кундузги сеанс: «Мушкетёр». Бадий фильм. «Болалар сайёраси»: 16.55 1. «Санъат ғунчлари». 2. «Кизиқарли учрашувлар». 17.55 ТВ анонс. 18.10 «Бизга мактуб йўллабисиз». Мусиқий дастур. 18.30 «Таълим: испохотлар йўлида». 18.50 «Ўзбектели-фильм» наимоиши: «Бойсун». 19.10 «Пластик карточкалар хамма учун фойдали». 19.15 «Ўзлото». Телелотерея. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 «Юзма-юз». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Равнак» студия-

си наимоиши этади.

21.20 «Сиз нима дейсиз?» Мусиқий дастур. 21.50 «Журналист таҳлили». 22.10 «Ободлик кўнгилдан бошланади». 22.30 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Бегона». Телесериал. 23.30 «Ахборот-дайжест». 23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастuri.

7.00 «Мунавар тонг». Информацион-дам олиш дастuri.

8.30 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаха.

10.10 Уй вазифаси.

10.30 Болалар экрани: «Фантадром».

11.00 Озод юрт фарзандлari.

11.20 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.

20.30 «Ахборот». 21.05 «Истеъмолчи».

21.25 «Санъатга баҳшида умр». М. Азимов.

21.50 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Бегона».

«Болалар сайёраси»:

11.55 ТВ анонс.

12.05 «Харакатда - баракат».

12.20 «Шарқ эстрадаси».

12.40 «Омад». Ток-шоу.

13.15 «Бегона».

Телесериал.

14.10 «Журналист таҳлили».

14.30 Кундузги сеанс:

«Катта бойлик дардиди».

Бадий фильм. 1-кисм.

15.25 ТВ клип.

15.35 «Парле ву франсэ?»

15.55 «Кувноқ трам-

вай». Ҳажвий кўрсатув. «Болалар сайёраси»: 16.25 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк». 17.25 «Мемор». Ҳалкаро шарҳ. 18.10 2005 йил «Сиҳатсаломатлик йили». «Соғлиғинг ўз кўлингда».

18.30 «Кўйла, ёшлиғим». 18.50 ТВ анонс.

18.55 «Бир жиноят изидан».

19.25 «Ўзлото кундаги» ва рекламалар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида) 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.

21.05 «Мустакиллик майдони».

21.45 «Харита».

21.50 «Мемор».

21.55 «Мемор».</

18.10. «Хайрли окшом». 18.30. 20.00, 20.55. 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури. 18.50 «Табриклиймиз-кутлаймиз». 19.20 ТТВда сериал: «Амазонка». 20.20 «Аёллар салтанати». 21.15 «Эл хизмати-

да». 21.55 «Химоя». 22.15 Кинонигоҳ: «Садоқат», 2-қисм. 23.25-23.30 Хайрли тун, шахрим!

**«Спорт»**

7.30 «Хабарлар», 7.45 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури.

8.45 «Хабарлар» (рус тилида) 9.05 «Фолбин», Бадий фильм. 10.10 «Болалар спорти». 10.25-10.40 «Спорт масканларида». 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар» (рус тилида)

17.15 «Болалар спорти». 17.30 «Бойлик», Бадий фильм. 18.00 «Янгиликлар». 18.10 «Бойлик», Бадий фильм. 18.40 «Клон». Сериал. 19.50 «Аёл иши». Бадий фильм. 21.00 «Время». 21.30 «Хабарлар».

21.45 Премьера. «Аёл калби». Сериал. 22.45 «Спорт - менинг хаётим». 23.00 Жаҳон спорти: «Еврофутбол». 00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-канал**

12.00 Открытие программы 12.05 «Телехамкор»

12.25 «Детский час». 12.50 «Полицейский Кэйтс и его собака», сериал 19.45 «Ошикона», мусик дастури 20.30 «Кичкинтоллар олами», детская передача 21.00 «Телехамкор» 21.20 «Музикальная пауза» 22.20 Киновечер на «30-ми»: «Биовульф», фантастика 24.00 Программа передач

18.10 «Музикальная пауза» 18.45 «Полицейский Кэйтс и его собака», сериал 19.45 «Ошикона», мусик дастури 20.30 «Кичкинтоллар олами», детская передача 21.00 «Телехамкор» 21.20 «Музикальная пауза» 22.20 Киновечер на «30-ми»: «Биовульф», фантастика 24.00 Программа передач

## Juma

**18**

### «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ анонс. «Болалар сайёраси». 8.40 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк». 9.40 «Мезмор». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Труман томошаси». Бадий фильм. 11.35 «Ўзлигин намоён кил». Экранда - Коракалпистон республикаси. 11.55 , 14.55 ТВ анонс. 12.05 «Ўзбектеле-фильм» намойиши: «Энг қадимий ва эн навқирон Наврӯз». 12.25 Мусикӣ танафус. 12.35 «Бир жиноят изидан». 13.05 «Бегона». Телесериал. 13.50 ТВ клип.

14.10 Телемулоқот. 15.00 «Барҳадёт наволар». Ўзбекистон халқ артисти Н. Аҳмедова. 15.20 Кундузги сеанс: «Катта бойлик дардиди». Бадий фильм. 2-қисм. 16.20 2005 йил «Сиҳат-саломатлик ийли». «Соғлиғинг ўз кўлингда». 16.40 «Сөхрли оху». Мультифильм. «Болалар сайёраси». 16.55 «Ўйла, Изла, Топ». Телемусобака. Финал. 17.55 ТВ анонс. 18.10 «Антика томошা». 18.40 «Тафсилот». 19.00 «Хидоят сари». 19.20 «Пластик карточкалар ҳамма учун фойдалари». 19.25 «Ўзлото кундагиги» ва рекламалар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 20.00 Оқшом эртакла-

ри. 20.15 «Дастурхон атрофида». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Муносабат». 21.35 Ўзбекистон халқ артистлари кўйлайди. 22.00 Жаҳон киноси дурданалар: «Табиб». Бадий фильм. 1-қисм. 23.05 Оҳанглар оғушида. 23.15 «Ахборот-дайжест». 23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар»**

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури. 8.30 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа. 8.50 Олтин мерос. 8.55 Иклим. 9.00, 13.00, 16.00 Давр. 9.25 «Мұхаббат мажароси». Телесериал. 10.10, 13.10, 16.10, 22.35 ТВ - анонс. 10.15 Болалар экрани: «Баланд тоглар остида» 4-қисм. 10.45 Озод юрт фарзандлари. 11.05 «Экспедиция».

Хужжатли сериал. 11.55 Бегойим. 12.15 «Ўзбектеле-фильм» намойиши: «Тут сайли». 12.30 Ешлар овози. 12.50 Наврӯз оҳанглари. 13.15 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 13.40 «Робинзон Крузонинг саргузашлари». Бадий фильм. 15.05 Ўзимизники. 15.15 «Даллас». Телесериал. 16.15 Кўшиш юрт оламилари. 16.35 Кўрсатувлар дастури.

Йўллари». Хужжатли фильм. 20.25, 21.15 Эълонлар. 20.30 «Мұхаббат мажароси». Телесериал. 21.20 «Баҳор қайтади». 21.45 ТВ-адвокат. 21.50 Олтин мерос. 22.40 Автосалтанат. 23.00 «Ҳакимат чегараси». Сериал. 23.25-23.30 Хайрли тун.

**«Тошкент»**

17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.10 ТТВда сериал: «Рэй Бредбери театри». 17.35 «Табриклиймиз-кутлаймиз». 17.55, 20.35 «Экспресс» телегазетаси. 18.10 «Болажонлар экрани». 18.30, 20.00, 20.50, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури. 18.50 «Табриклиймиз-кутлаймиз». 18.55 Кўшишларга тенгдошим. 18.15 ТВ-дорихона. 18.25 Аскар мактублари. 18.45 ТВ-афиша. 18.50 Мумтоз наволар. 18.55, 21.55 Иклим. 19.00, 22.00 Давр. 19.35 «Ўзбекистон

21.40 «Дориҳона эшитади». Бевосита мулукот. 22.50 Кинонигоҳ: «Ура». 23.15-23.20. Хайрли тун, шахрим!

**«Спорт»**

7.30 «Хабарлар», 7.45 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури.

8.45 «Хабарлар» (рус тилида) 9.05 «Фолбин». Сериал. 10.20 «Болалар спорти». 10.35 «Эртага футбол». 10.55 «Равнак» студияси намойиш этади. 11.15-11.45 «Дунё маңзаралари». 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар» (рус тилида) 17.15 «Даллас». Тартиби.

17.20 «Баҳор қайтади». 17.35 «Табриклиймиз-кутлаймиз». 17.55, 20.35 «Экспресс» телегазетаси. 18.10 «Болажонлар экрани». 18.30, 20.00, 20.50, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури. 18.50 «Табриклиймиз-кутлаймиз». 18.55 Кўшишларга тенгдошим. 18.15 ТВ-дорихона. 18.25 Аскар мактублари. 18.45 ТВ-афиша. 18.50 Мумтоз наволар. 18.55, 21.55 Иклим. 19.00, 22.00 Давр. 19.35 «Ўзбекистон

17.00 «Мульчархлак».

17.10 «Мульчархлак».

17.35 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

17.55, 20.10 «Экспресс» телегазетаси. 18.10 Жаҳон географияси.

18.40 «Афиша». 19.00 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

19.30 «Баҳтили бўлинг».

20.25 «Дугоналар». 20.45 «Биргаликда қўйлаймиз».

20.25 «Дугоналар». 20.45 «Биргаликда қўйлаймиз».

21.30 «Нима учун?»

22.00 Кинонигоҳ: «Кўйлайтган аёл».

23.10-23.15 Хайрли тун, шахрим!

**«Спорт»**

7.30 «Хабарлар», 7.45 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури.

8.45 «Хабарлар» (рус тилида)

9.00 «Болалар спорти».

9.15 «Нокаут». 9.45 «Гиннес рекордлари».

9.00 Открытие программы 9.05 «Телехамкор» 9.25 «Детский час» 9.50 Фильм детям: «Гениальные младенцы», комедия 11.20 «Окно в мир», документальный фильм 11.40 Звезды ринга на «30-ми»: лучшие поединки звезд профессионального и любительского бокса 12.50 Спорт-экстрим 13.25 «Детский час» 13.50 Индийское кино: «Влюбленные», 2-я серия 16.30 Болалар соати 17.25 «Телехамкор» 17.45 «Ошикона», мусик дастури 18.30 Киновечер на «30-ми»: «Криминальный талант», 1-серия детектив 20.00 «Хикоя» 20.20 Хит-парад.uz 21.40 «Телехамкор» фойдали газета 22.00 «Полицейский Кэйтс и его собака», сериал 23.00 «Ночная канал» - «Мои самые счастливые звезды», комедия

17.00 «Мульчархлак».

17.35 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

17.55, 20.10 «Экспресс» телегазетаси. 18.10 Жаҳон географияси.

18.40 «Афиша». 19.00 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

19.30 «Баҳтили бўлинг».

20.25 «Дугоналар». 20.45 «Биргаликда қўйлаймиз».

21.30 «Нима учун?»

22.00 Кинонигоҳ: «Кўйлайтган аёл».

23.10-23.15 Хайрли тун, шахрим!

**«Спорт»**

7.30 «Хабарлар», 7.45 «Бардам бўлинг». Тонги дам олиш дастури.

8.45 «Хабарлар» (рус тилида)

9.00 «Болалар спорти».

9.15 «Нокаут».

9.45 «Гиннес рекордлари».

10.10 А. Макаревич «Учта дераза» дастурда.

10.50 «Мұхаббат ҳикоялари».

11.10 «Софлом оқатланиш сирлари».

11.30-12.00 Хужжатли фильм.

15.55 Кўрсатувлар тартиби.

16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Пахтакор» - «Сўғдиёна». Танафусда «Хабарлар» (рус тилида)

17.10 Жаҳон географияси.

18.40 «Афиша».

19.00 «Табриклиймиз-кутлаймиз».

19.30 «Баҳтили бўлинг».

20.25 «Дугоналар». 20.45 «Биргаликда қўйлаймиз».

21.30 «Нима учун?»

**БЕКОР КИЛИНАДИ.**

Бўка туманидаги 34-урта мактаб томонидан

1984 йил 29 октябрда Турдикулов Искандар Сотувалдиевичномига берилган О'Р-А 1133456 рақамли аттестат йўқолганилиги сабабли

**БЕКОР КИЛИНАДИ.**

Миллий банкнинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан 2000 йил 29 ноябрда хусусий тадбиркор Гуламов Абдулбековичномига берилган 0198651 дан 0198675 гача бўлган чек дафтараси йўқолганилиги сабабли

**БЕКОР КИЛИНАДИ.**

Бекрай тумани, Матқабулов номли кишлоқ фурорлар йигини худудида жойлашган Садыгов Сабир Муштаба оғлыга тегишили ишлаб чиқариш технологик жамлаш бошқармасига бўрилган бино ва иншоатларни рўйхатдан ўтказиши гувоҳномаси йўқолганилиги сабабли

**БЕКОР КИЛИНАДИ.**

Бекрай туманидаги 34-урта мактаб томонидан

1984 йил 29 октябрда Турдикулов Искандар Сотувалдиевичномига берилган О'Р-А 1133456 рақамли аттестат йўқолганилиги сабабли

**БЕКОР КИЛИНАДИ.**

Миллий банкнинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан 2000 йил 29 ноябрда хусусий тад

биркор Гуламов Абдулбековичномига берилган 0198651 дан 0

• Sport •

## «Пахтакор» ва «Нефтчи»: ғалаба билан бошлашди

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси мусобақалари бошланди. «Д» гуруҳидаги биринчи учрашувни «Пахтакор» Суря пойтахти Дамашқда «Ал-Жаиз» жамоаси билан ўтказди.

23-дакикада Сервер Жефаров 11 метрли жарима тўпи билан хисобни очди. Илҳом Суюнов биринчи бўлим учун кўшиб берилган дақиқада майдон эгалари дарвозасига иккинчи тўпни кириди.

Учрашув охиригача ушбу хисоб ўзгармади. «Пахтакор»чилар биринчи расмий учрашувда ғалаба қозониб, муҳим уч очкони кўлга киритилар. Улар иккинчи тур учрашувини 16 марта Тошкентда Ирокнинг ўн карра чемпиони «Ал-Завра» жамоаси билан ўтказдилар.

«Д» гуруҳидаги иккинчи учрашув ҳам Дамашқда бўлиб ўтди. «Ал-Завра» — «Ал-Ахли» (Саудия Арабистони) ўртасидаги учрашув 2:1 хисобида «Ал-Ахли» ғалабаси билан якунланди.

«Нефтчи» Кувайтнинг «Ал-Кувайт» жамоасини Тошкентдаги «Жар» ўйингоҳида қабул қилди. Учрашувнинг 67-дақиқасида Акмал Холматов 19 метр масофадан жарима тўпини меҳмонлар дарвозасига йўллади. 1:0 хисоби учрашув охиригача ўзгармай сакланниб қолди. «Нефтчи» иккинчи турда сафарда Қатарнинг «Ал-Тад» жамоаси билан баҳс юритади.

Талъат ЮСУПОВ.

«Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан жойларда қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Бу борада кўпроқ масъулият спорт ва соглиқни сақлаш тизими вакиллари зиммасига тушмокда. Шундай тадбирлардан бири Янгийўл шаҳар хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида бўлиб ўтди.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида ўкув муассасаларининг 15 ёшдан 18 ёшгacha бўлган қизлари ўтасида ўтказилаётган спартакиаданинг ушбу вилоят финал босқичи Вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан Ўрта маҳсус касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» ҳалқаро ҳайрия жамғармаси вилюят бўлимлари ҳомийлик қилишиди.

Учинчи босқичдаги худудлараро беллашувлар голиблари хисобланган Бекобод, Олмалик, Ангрен, Чирчик, Янгийўл шаҳарлари ҳамда Ўртачирчик, Зангиота туманларидан 200 нафарга яқин

## Янгийўл майдонида баҳслашган қизлар

ўкувчи қиз иштирок этган мусобақалар етти йўналиш бўйича олиб борилди. Баскетбол мусобақаларида Ангрен кимё саноати, Бекобод саноат, Янгийўл тиббиёт ҳамда Чирчик иқтисодиёт, маший хизмат касб-хунар коллежлари қизлари шоҳсупанинг юкори ўринларини эгаллашиди. Волейбол баҳсларида Зангиота қишлоқ хўжалиги, Янгийўл тиббиёт, Бекобод техника-иқтисодиёт, Чирчик ижтимоий маший хизмат коллежлари вакиллари голиб чиқишиди. Бекобод, Олмалик, Янгийўл жамоаси вакиллари шахмат ва шашка беллашувларида рақибларига ҳеч қандай имконият қолди-

ришмади. Стол тениси баҳслари эса Янгийўл, Бекобод, Чирчик, Ўртачирчик спортчилари устунлигига ўтди. 500 ҳамда 1000 метрга югуриш (кросс)да Янгийўл, Бекобод, Ўртачирчик вакиллари энг юқори натижага кўрсатиди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Бекобод саноат касб-хунар коллежига, иккинчи ўрин Янгийўл шаҳар хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига ҳамда учинчи ўрин Ўртачирчик ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежига насиб этди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**  
**СУРАТЛАРДА:** тадбирдан лавҳалар.  
Даврон АҲМАД олган суратлар.



## «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти бўлими кенгаши

AMOLOT

Халқимизнинг улуғ ва қадими байрами — Наврӯзи олами кўтаринки руҳ билан кутиб олиш, юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини янада кучайтириш мақсадида 10 марта 10 апрелга қадар «Ободлик кўнгилдан бошланади» акциясини эълон қиласди.

Ундан мақсад:

- ёшларни ота-боболаримизнинг қадимдан сақланиб келаётган урф-одат, анъана ва қадрияларига ҳурмат руҳида тарбиялаш;
- маҳалла, мактаб ва ҳудуднинг ободлиги ва озодалигига эришиш;
- келажак авлодга саломатлик, озодалик ва кўнгил ободлиги ўйлида билим чўққиларини забт этишларида кўмаклашишдан иборатdir.

Акцияда ёшлар иштирокида «Маҳалла ободлиги — юрт ободлиги», «Озодалик, саломатлик ва спорт», «Наврӯзинг муборак, Ўзбекистоним!», «Китоб ва кўнгил ободлиги», «Экологик тарбия ва бугунги ёшлар» мавзуларида тадбирлар ўюштирилиб, қизиқарли баҳс-мунозаралар ташкил қилинади. Унинг якунида «Энг озода мактаб», «Энг озода коллеж», «Энг озода талабалар уйи» номинациялари бўйича голиблар аниқланади ва тақдирланади.

**Азиз ёшлар, акциямизда фаол иштирок этинг!**





### РОССИЯ: ЎН ЕТТИНЧИСИ АНИК

Бесландаги мактабга хужумда иштирок этган 32 нафар хангаридан 17 тасининг жасадлари кимни эканлиги аниқланди. Беслан террорчилар хуржига текшируви билан шугуланаётган парламент комиссиясининг раҳбари Александр Торшин ўтган куни журналистларга шундай баёнот берди: «Ўн саккизинчи кимса ким эканлигини 90 фоиз аниқ биламиз, ўн уч кишининг шахси эса ҳозирча номалум», — деди у. Парламент комиссияси Аслан Масхадовга тегишли мўжказ компютер ичидаги маълумотларни ҳам олиш ниятида. «Шунингдек, террорчи Абу Дзейтни йўқ қилиш мобайнида Хавфислик Федерал кучлари томонидан қўлга олинган материаллар ҳам бизга тақдим этилиши ҳақида келишиб олдик», — деди А. Торшин.

### АРГЕНТИНА: ТЕМИР ЙЎЛДАГИ ТЎҚНАШУВ ТУФАЙЛИ

Пайшанба куни Буэнос-Айрес темир йўл бекати яқинида икки поезднинг тўқнашиб кетиши оқибатида камидаги 129 киши турли хил жароҳатлар олди. Шаҳар атрофидаги манзиллар йўналиши бўйича қатновчи электричка стансияга кириб келаётганда жўнаш учун ишора кутиб турган поездга урилиб кетди. Тўқнашган поездлар ичидаги 65 йўловчи касалхоналарга жойлаштирилди.

### АҚШ: ТЎДА ҲИБСГА ОЛИНДИ

Нью-Йоркда Гамбино жиноятчилар тўдасининг «Зик» лабаби раҳбари Арнольд Скуитери ҳамда мазкур жиноий тўданинг 30 дан ортиқ аъзолари ҳибсга олинди. Текширувлар федерал бюросининг Нью-Йорк бўлинмаси бошлиғи Паскаль Д'Амуронинг сўзларига қараганда, бу натижаларга мазкур жиноий уюшма орасига кириб олиб, ишкурган бюро агентининг икки йиллик фаолияти туфайли эришилди.

### МУЛОҚОТДА БЎЛИШАР ЭКАН

Маълум бўлишича, бактеријалар ҳам ўзаро маълумот алмашига қодир экан, бунда «сухбатдошлар» хар хил турларга мансуб бўлиши мумкин. Американинг фан тараққиётига кўмаклашиш асоциацияси йигилишида Принстон университети микробиологи Бонни Баслер айнан шу ҳақда маъруза қилди.

**Сурия ҳарбийлари Ливанни тарк этмоқда**

Сурия президенти Башар Асад мамлакатнинг Ливандаги қўшини олиб чиқилишини мътлемум қўлган эди. Куни кечада кўпладб ҳарбий техника ва аскарлардан иборат бўлинмалар Бекаа водийиси томон ўйл олди.

Душанба куни Дамашқда ўтказилган саммитда президентлар Башар Асад ҳамда Эмил Лахуд бир ой ичада Суриянинг Ливандаги барча ҳарбийларини Бекаа водийисига жамлашга келишиб олди. Шундан сўнг икки мамлакат уларни бутунлай олиб чиқиш чораларини кўради.

Ливанда ўтган асрнинг иккичи ярмида (1975-1990) фуқаролар уруши бўлган эди. Мамлакатда тинчликни таъминлаш мақсадида бу ерга Сурия қўшинлари киритилди. 1989 йилги Тоиф келишувидан кейин можароларга чек кўйилгач, Сурия ҳарбийларининг

Ливан худудидан чиқарилиши кўзда тутилган эди. Лекин шунча вақт ўтди ҳамки, бу мажбурият бажарилмай келмоқда. Бу орада Дамашқ ва Байрут ўртасидаги дипломатия муносабатларига ҳам анча пуртур етди.

Хозир Ливанда Суриянинг 14 минг кишилик қўшини бор. Беш йил олдин унинг сони 35 мингдан ортиқ эди.

Халқаро ҳамжамият расмий Дамашқ БМТ Хавфислик кенгашининг 1559-резолюцияси талабларига тўла-тўқис амал қилиши кераклигини уқдирмоқда. Ушбу резолюция барча хорижий мамлакатлар Ли-

вандан ўз ҳарбийларини олиб чиқиб кетиши зарурлигини кўзда тутади.


РАТА-ТАСС хабарларига кўра, БМТ Бош котиби-нинг Яқин Шарқ минтақасидаги маҳсус вакили Терье Ред-Ларсен яқин кунларда Сурия ва Ливан раҳбарлари билан мазкур масалани атрофлича муҳокама этишини режалаштирган.

Фазлидин АРЗИЕВ,  
ЎзА шарҳловчиси.



Нью-Йоркнинг аҳоли зич яшайдиган мавзеларидан бири.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА-МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



Тошкент вилояти ўрта-махсус, касб-хунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2145-сонли фармойиши асосидаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини танлаш ва танинлаш тартиби»га биноан танлов эълон қиласи:

1. Чирчик шаҳар академик лицейига
2. Ангрен шаҳар майший хизмат касб-хунар коллежига
3. Фазалкент академик лицейига
4. Қиброй тумани қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежига
5. Қиброй тумани молия-иқтисодиёт касб-хунар коллежига
6. Тошкент тумани Кенсой қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежига

Танловда иштирок этиш ҳоҳишини билдирган номзодлар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1. Бошқарма бошлиғи номига ариза
2. Шаҳар (туман) ҳоқимлигидан тавсиянома

3. Сўровнома
4. Таржимаси ҳол
5. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеронусхаси

6. Илмий дарожаси ва илмий унвонлари ҳақида ҳужжатлар ва уларнинг ксеронусхаси (мавжуд бўлса)

7. Илмий-услубий ишлари ва ихтиrolари рўйхати (мавжуд бўлса)

8. 4x6 ўлчамдаги фотосурат (6 дона)

9. Номзоднинг таълим мусассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган речаси (концепция)

10. Ҳарбий тубоҳноманинг ксеронусхаси

11. Паспортнинг ксеронусхаси (турар жойи билан)

12. Шаҳар ИИБдан маълумотнома  
Ҳужжатлар эълон чиқсан кундан бошлаб 30 (үттиз) кун давомида қобул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Геофизика қўргони. Телефонлар: 66-09-59, 66-16-51.

